

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Тошкент вилояти
статистика бошқармаси бошлиғи в.б
А.А.Каримджонов
2017 йил

**Қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси бўлими тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Тошкент вилоят статистика бошқармаси Қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси бўлимининг (кейинги ўринларда бўлим деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Тошкент вилояти статистика бошқармаси (кейинги ўринларда бошқарма деб аталади) таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонунларига, Олий Мажлиснинг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, Тошкент вилояти статистика бошқармасининг низомига, мазкур низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Бўлим қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси бўйича фаолиятини бошқарманинг таркибий бўлинмалари вилоятдаги туманлар ва шаҳарлар статистика бўлимлари (кейинги ўринларда ҳудудий статистика органлари деб аталади) билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Бўлим ўз фаолиятини вилоят статистика бошқармаси бошлиғи раҳбарлигида амалга оширади.

Бўлими ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича бошқарма бошлиғига тўғридан тўғри бўйсинади.

2-боб. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси бўйича Давлат статистика қўмитаси томонидан белгиланган вазифаларни сифатли ва ўз вақтида бажариши;

Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурида кўрсатилган, методикани амалиётга тўғри жорий қилиш ва қўллаш иш режаларини ўз вақтида шакллантирилиш;

статистик маълумотлар фойдаланувчилари талабини ўрганган ҳолда узоқ муддатли мақсадлар ва йўналишлар бўйича статистик кўрсаткичларни шакллантириш;

Давлат статистика ишлари дастурининг қишлоқ хўжалиги ва экология статистикасига оид қисми бўйича таклифлар киритиш;

қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси соҳасида давлат статистика принциплари ва халқаро стандартларга жавоб берадиган ягона статистика услубиётига риоя этиш;

қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси ҳисоботларини йиғиш ва қайта ишлаш, таҳлил қилиш ;

қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси бўйича давлат статистика кузатувларини тадқиқланган шакллари ва методикаси бўйича кузатувларни ишончли ва ҳолисона ўтказиш;

қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси соҳасида ҳолис, сифатли ва долзарб ҳисобот маълумотларини тайёрлаш;

фойдаланувчиларнинг статистик маълумотларга бўлган талабига мувофиқ, қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси соҳаси бўйича ривожланаётган хорижий тажрибаларни ўрганиш ва ваколат доирасида таклифлар бериш;

в) қишлоқ хўжалиги ва экология статистикасига оид ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги статистик ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш:

Давлат статистика ишлари дастурининг қишлоқ хўжалиги ва экология статистикасига оид Тошкент вилояти, унинг ҳудудлари кесимида бажариш;

вилоят, ва унинг туман ҳамда шаҳарларида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш давлат дастурлари бажарилиши бўйича давлат статистика кузатувларини бўлим ваколоти доирасида ташкил этиш ва амалга ошириш;

қишлоқ хўжалиги ва экология статистикасига оид давлат статистика ҳисоботларини электрон кўринишда, зарур ҳолларда қоғоз кўринишида йиғишни, сўровларни ва бошқа кузатувларни ўтказиш;

қишлоқ хўжалиги ва экология статистикасига оид кўрсаткичларнинг статистик ҳисобини юритиш, вилоят бўйича муҳим жараёнларнинг статистик таҳлилинини амалга ошириш;

статистик ҳисобот кўрсаткичларининг тезкорлиги, ишончилиги ва ҳолислигини ҳамда статистик маълумотларнинг шаффофлиги ва очиклигини кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича тизимлаштирилган электрон маълумотлар базасининг яратилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда тўлдирилиб ва янгиланиб борилишини таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси соҳасига оид статистик маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

қонунчиликка мувофиқ, бўлим иш фаолиятида шаклланган архив ҳужжатларини жамлаш, сақлаш, ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш ишларини амалга ошириш.

қишлоқ хўжалиги ва экология соҳасида юз бераётган ўзгаришларни ифодаловчи таҳлилий маълумотлар тайёрлаш;

вилоят миқёсида қишлоқ хўжалиги ва экология соҳасини тавсифловчи сифатли статистик маълумотларни тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижроси юзасидан бўлим ваколоти доирасида йиллик, чораклик статистик ҳамда таҳлилий материалларни тайёрлаш;

Бўлим ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси оид масалалар бўйича бошқарманинг тармоқ бўлимлари ва ҳудудий статистика бўлимларига ёрдам кўрсатади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларининг ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқишини, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда мурожаат эгаларига жавоблар тайёрлайди;

Бошқарма раҳбарияти топшириқлари ва фойдаланувчиларнинг сўровларига асосан қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси бўйича маълумотлар тайёрлайди;

Бўлимнинг ваколотига кирадиган масалалар бўйича тизимлаштирилган электрон маълумотлар базасининг яратади ва уни мунтазам равишда тўлдирилиб ва янгиланиб борилишини таъминлайди;

Давлат статистика кўмитасининг тегишли бошқармалари ва вилоят статистика бошқармасининг раҳбарияти кўриб чиқиши учун таҳлилий ва бошқа материалларни тайёрлайди;

Бўлим ва ҳудудий статистика бўлимлари иш услубини такомиллаштириб боради, фуқаролар мурожаатларининг ўз вақтида бажарилишини таъминлайди, бўлим ходимлари томонидан ўзларига юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилиши бўйича масъулиятини ошириб боради;

Вилоят статистика бошқармасининг тармоқ бўлимлари, ҳудудий статистика бўлимлари билан биргаликда қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси соҳасида Давлат статистика ишлари дастурини бажарилишини таъминлайди ва мувофиқлаштиради;

Давлат статистика ишлари дастурининг қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси қисми бўйича вазифалар ижросини таъминлайди;

қишлоқ хўжалиги ва экология статистикасига оид давлат статистика ҳисоботларини электрон шаклда тақдим этилишини таъминлайди, бу йўналишда ҳудудий статистика бўлимларига амалий ёрдам кўрсатади;

замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси асосий кўрсаткичларининг такомиллаштирилган маълумотлар базасини юритади;

Бўлим ўзига юклатилган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

3-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

7. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Бошқармдаги тармоқ бўлимлар ҳудудий статистика бўлимлардан ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур материаллар ва маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси соҳасида ишларни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича бошқарма раҳбариятига таклифлар киритиш;

давлат статистика кузатувларини ўтказишни самарали ташкил этиш бўйича таклифлар бериш;

ҳудудий статистика бўлимлар томонидан қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси соҳасини ривожлантириш бўйича кўрсатмалар бериш;

Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган ҳолларда, давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан ва бошқа юридик шахслардан (зарур ҳолларда уларнинг ваколатхоналари ва филиалларидан) давлат статистика ҳисоботларини белгиланган тартибда олиш ҳамда улардан статистика мақсадларида фойдаланиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан қишлоқ хўжалиги ва экология статистикасига оид ишларни олиб бориш учун зарур бўлган маълумотларни (уларни ишлаб чиқишнинг исталган босқичида), шунингдек уларга илова қилинадиган тушунтиришларни сўраш ва олиш;

Давлат статистика қўмитаси томонидан белгиланган қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси соҳасига оид давлат статистикаси кузатувларининг методологиясини ҳудудий статистика бўлимларига етказиш ва тушунтиришлар олиб бориш;

қишлоқ хўжалиги ва экология статистикасига оид маълумотларнинг тўлиқлиги, ишончлилиги ва ҳолисоналигини таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси соҳасидаги давлат статистика ҳисоботлари бўйича, хатолик ва кечикишлар бўлганда тегишли чора қўллаш;

қишлоқ хўжалиги ва экология статистикасига оид масалалар юзасидан, ўқув семинар ва йиғилишлар ташкил этиш ва уларда иштирок этиш;

Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, Давлат статистика қўмитасининг иш режалари, бошқарма иш режасининг тузилиши ва мазмуни билан танишиш;

Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича тармоқ бўлимлари билан ҳамкорлик қилиш.

8. Бўлим қуйидагилар учун жавобгар:

ўзига юкланган вазифаларни самарали ва лозим даражада бажариш;

ваколатига кирувчи таҳлилий ва бошқа материалларни юқори даражада тайёрлаш;

Ҳисоботлардаги маълумотларни ҳаққонийлигини таъминлаш бўйича доимий таҳлил олиб бориш;

Бўлим ходимлари томонидан белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ижро интизомини таъминлаш.

4-боб. Бўлимнинг тузилмаси

9. Бўлимнинг тузилмаси ўз ичига бўлим бошлиғи, бўлим бошлиғининг ўринбосари, бош мутахассис, етакчи мутахассис, биринчи тоифали мутахассисини олади.


5-боб. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

10. Бўлимнинг иши Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика кўмитаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси тўғрисидаги низом, мазкур Низом, Давлат статистика кўмитаси раисининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, Давлат статистика кўмитасининг иш режалари, Бўлимнинг иш режалари ва Бўлим ходимларининг хизмат вазифалари асосида ташкил этилади.

Бўлимнинг иш режаси бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади ва бошқарманинг иш режалари асосида шакллантирилади..

Ходимларнинг функционал вазифалари бўлим бошлиғи томонидан бўлинмага юкланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда тайёрланади ва бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади.

Бўлим бошлиғи:



М.Зиятов

Мазкур лавозим йўриқномаси билан танишдим ва уни бажариш мажбуриятини оламан:

(имзо)

(исми, отасининг исми ва фамилияси)

(сана)